



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ROSSIYA DAVLAT DUMASI RAISI BILAN UCHRASHUV UTKAZDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги Россия парламент делегациясини қабул қилди.



Учрашув аввалида Вячеслав Володин давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда парламентлараро мулоқотлар жадал суръат касб этгани, Ўзбекистон ва Россия ҳудудларида янги форматдаги — икки мамлакат парламентларининг палата ва кўмиталари раҳбарлари даражасида учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий қилингани алоҳида қайд этилди.

Янги ташкил этилган Ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия фаолияти икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда

қонунчилик фаолиятини ташкил этиш соҳасида тажриба алмашишни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий натижалари мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилнинг бошидан буён икки томонлама товар айирбошлаш учдан бирга ошди.

Россия инвестицияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда нефть-газ, энергетика, конметаллургия, қишлоқ хўжалиги тармоқларида

қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ишбилармонлик алоқалари изчил кенгайиб бормоқда.

Маданий-гуманитар йўналишда, энг аввало, олий ва ўрта таълим ҳамда туризм соҳаларида самарали ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Россия делегацияси аъзолари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни-

да ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёшлар тарбияси, соғлиқни сақлаш салоҳиятини ошириш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини модернизация қилиш борасида рўй берган ўзгаришларни юксак баҳолади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ТЕЗЮРАР ПОЕЗДА НУКУСГАЧА БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда транспорт тармоқлари изчил ривожлантириб келинмоқда. Хусусан, 2018 йилда Бухоро — Мискин темир йўли қурилиб, Хивагача масофа 242 километрга қисқарган эди. Шу билан бирга, электр поездининг унумдорлиги 4,5 баробар юқорилигини инobatга олиб, мавжуд темир йўллари электрлаштирилмоқда. Сўнгги йилларда Қарши — Китоб, Поп — Наманган — Андижон ҳамда Қарши — Термиз йўналишлари электрлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари хоразмликлар билан учрашганида 2024 йилда Хивага тезорар электр поезди йўлга қўйилишини айтган эди ва бу режа Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилди. Шу тариқа, Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш бошланди.

Тақдимотда бу ишларнинг бориши ва қўйилган натижалар ҳақида ахборот берилди.

Мазкур лойиҳанинг қиймати 445 миллион доллар. Шундан 270 миллион доллар Осие тараққиёт банки ва Осие инфратузилмавий инвестициялар банкидан жалб этилади. Лойиҳа доирасида Бухородан Хивагача бўлган 465 километр темир йўл тармоғи электрлаштирилади, бекат, нимстанциялар ва бошқа иншоотлар қурилади.

Йўлнинг самарадорлиги шунга яраша анча ошади. Масалан, поездларнинг юқори тезлиги соатига 250 километргача бўлади. Натижада йўловчиларнинг Тошкентдан Урганчга етиб бориш вақти 14 соатдан 6 соатга, Бухородан Хивагача 8 соатдан 3 соатгача қисқаради. Бу халқимизга катта қулайлик яратиш, туризм ривожига ҳам муҳим омил бўлади.

Тезлик эвазига темир йўлнинг ўтказувчанлиги ҳам ошади. Юк ташиш

имконияти йилига 11 миллион тоннагача, йўловчилар сони 2 миллион 300 миң нафарга етади. Поездлар электр энергиясида юриши ҳисобига йилига 18 миң тонна дизель ёқилғиси тежалади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг сифатли бўлишига алоҳида аҳамият қаратди.

— Аввалги лойиҳаларда мутахассисларимиз анча тажриба орттирди, чет эллик консултантлар ҳам жалб этилди. Энди асосийси — ишни сифатли бажариш. Бу йўлни қанча яхши қилсақ, халқимизга шароит, туристлар учун қулайлик, иқтисодийтимизга манфаат бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимларига тезорар поезд ўтadиган туман ва шаҳарларда йўл бўйи хизматларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

— Темир йўл борган жойга маданият боради, ҳаёт жонланади. Шундай экан, бекатлар атрофида, худди автомобиль йўлларида бўлганидек, савдо ва хизмат шохобчаларини қўлайтириш керак. Яна бир вазифа — темир йўл бўйлаб чўл иқлимга мос дарахт ва буталар экиш зарур. Бу ҳам ҳудуд экологиясига таъсир қилади, ҳам йўл бўйларига кўрк бағишлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз мутасаддиларга ҳозирги лойиҳага ҳамоҳанг тарзда Нукус шаҳрига бўлган темир йўлни ҳам электрлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бунинг натижасида Тошкент билан Нукус ўртасидаги қатнов вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради.

Тадбирда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, давлат ташкилотлари биноларида куёш панеллари ўрнатилиш, аҳолини бу борада рағбатлантириш масалалари бўйича ҳам топшириқлар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тергов фаолиятида “Инсон қадрини ўқун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўйга чиқариш, жиноятларни ўз вақтида фож этишни ташкил этиш тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлигини ва қилиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига жавоб берадиган тергов соҳасидаги юқори малакали

малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш талаб этилмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ушбу йўналишга илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали

кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат божхона кўмитаси ва Адлия вазирлигининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

Бош прокуратура Академияси негизда **Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясини** (кейинги ўринларда — Академия) ташкил этиш ҳамда унда жиноятларни тергов қилиш соҳасида

кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда ягона ёндашув асосида тайёрлашга қаратилган узлуксиз ўқув тизимини йўлга қўйиш;

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалини (кейинги ўринларда — Ихтисослаштирилган филиал) тугатиш ҳамда унинг штат бирликлари, ўқув ва моддий-техника базасини Академияга ўтказиш.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БОШ ҚОНУНИМИЗ ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

ушбу муҳим стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас,
етмиш марта ўйлаб қарор қабул қиламиз




Ўзбекистон Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси сифатида аҳолининг эркин ва обод турмушини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш ҳамда барча соҳаларда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йил халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун ишончли кафолат сифатида хизмат қилаётган Конституциямизнинг 30 йиллигини кенг миқёсда нишонлаймиз.

Ушбу сана муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирлари шукҳи аввалгиларига нисбатан ўзгача бўлиши шубҳасиз. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, янгиланган Конституциямизнинг асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлиши кафолатланаётган тарихий йилдаги байрамни янада кўтаринки

кайфиятда ўтказишимиз учун етарлича асос бўлади.

Мазкур қутлуғ сана олpidан конституциявий ислохотларга старт берилишидан бошлаб шу пайтгача кечаётган тарихий жараёнларга тўхталиб ўтиш, таҳлил қилишни жоиз билдик.


Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Қуйдагилар Академия фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

таълим олувчиларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилиш маданияти билан уйғунлашган юксак маънавий, психологик, таҳлилий ва касбий сифатларни ривожлантиришнинг самарали тизимини жорий этган ҳолда жиноятларни тергов қилиш соҳасида мутахассисларни қурулштирилган мақсадли базавий тайёрлаш;

махсус касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги илоҳотларнинг мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган дастурлар асосида тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

коррупцияга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳаларида махсус ўқув дастурлари асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

жиноятларни тергов қилиш методикаси ва тактикасини самарали белгилаш асосида жиноят ишлари бўйича мустақил иш юритиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш методларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

ўқитишнинг замонавий шакллари, педагогик ва ахборот технологиялари асосида назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини, шу жумладан, масофавий таълим шаклида таъминлашга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этиш;

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, қонунийликни таъминлаш юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларни шакллантириш ва мустақамлашга қаратилган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг яхлит тизимини ташкил этиш;

юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг энг долзарб масалалари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни тизимли асосда, шу жумладан, миллий ва халқаро грантлари жалб этиган ҳолда амалга ошириш;

жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини, шу жумладан, терговга қадар текширув ҳужжатлари ва жиноят ишларини ўрганиш асосида уларнинг алоҳида турлари кесимида таҳлил ва диагностика қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш;

суд-ҳуқуқ соҳасида қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор педагогик тажриба алмашиш борасида узлуксиз халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, ўқув жараёнига хорижий мамлакатлар етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг малакали мутахассисларини жалб қилиш;

3. Академиянинг Мувофиқлаштириш-васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Белгилансинки, Васийлик кенгаши Академия фаолиятига қуйидаги устувор масалаларда кўмаклашад:

ўқитишга бўлган эҳтиёжга мувофиқ, Академияда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тасдиқлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича истиқболли ташаббусларни мақсадли белгилаш;

талаба ва тингловчилар стажировкаси ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларида суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишга ваколатли давлат органлари ҳамда судлар билан самарали ҳамкорликни ташкил қилиш;

таълим ва илмий муассасалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда хорижий ҳамкорлар билан таълим ва илм-фан соҳаларида мақсадли ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш;

Академиянинг ривожланишини таъминлаш учун молиявий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш, бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш, миллий ва халқаро грантларни жалб этиш.

Васийлик кенгашининг ҳар бир аъзоси зиммасига Академиянинг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишига кўмаклашиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз ваколати доирасида ҳар томонлама амалга оширилиши бўйича шахсий масъулият юклансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Академия Бош прокуратура ташкилий тузилмасига кирувчи, юридик шахс мақомига эга, ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

Академияга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади, унинг мақоми, транспорт ҳамда тиббий таъминоти шартлари олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари раҳбарлари билан тенглаштирилади;

Академия Бош прокуратура Академиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вори ҳисобланади;

Академиянинг тергов соҳасига ихтисослаштирилган кафедралари таркибининг 30 фойздан кам бўлмаган қисми — ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва боғхона органларининг суриштирув ҳамда тергов тузилмаларида қўл йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар ҳисобидан шакллантирилади;

Академия бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчиларига Бош прокуратура ходимлари учун, бошқа ходимларга олий таълим муассасаларининг тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш шартлари ва бошқа имтиёзлар татбиқ этилади.

5. Академияда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб қуйидаги тартибни назарда тутган ҳолда тергов фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида олий таълимнинг икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратура бўйича тўлақонли ўқув жараёни ташкил этилсин:

бакалаврият бўйича ўқитиш кундузги таълим шаклида амалга оширилади ҳамда ихтисослик ва юридик фанларни ўқитиш, шунингдек, чуқурлаштирилган стажировкани ташкил этиш орқали кадрларни мақсадли тайёрлашга йўналтирилади;

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурасига қабул суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органларининг мазкур вазифаларни амалга оширувчи тузилмаларининг ҳамда прокуратура органларининг (кейинги ўринларда — ваколатли давлат органлари) амалдаги ходимлари (ҳарбий хизматчилари) орасидан амалга оширилади;

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича бакалаврият ҳамда магистратурасига ўқишга қабул қилиш Васийлик кенгашининг ваколатли аъзоси раислик қиладиган идораларга қабул комиссияси томонидан ташкил этиладиган махсус психологик танлов, ёзма имтиҳон ва тест синовлари орқали амалга оширилади;

Академияда таълим олиш муддати бакалаврият дастури бўйича — уч йилни, тергов фаолияти йўналишидаги магистратура дастури бўйича — бир йилни ташкил этиб, битирувчиларга олий юридик таълимнинг тегишли босқичини якунлаганлигини тасдиқловчи давлат намунасидаги дипломлар берилди;

Академиянинг тергов фаолияти йўналишидаги ҳар йилги қабул квоталари бакалаврият дастури бўйича — 250 нафаргача талаба, магистратура дастури бўйича — 50 нафаргача олий юридик маълумотли ваколатли давлат органлари ходимларини ташкил этиб, Васийлик кенгаши томонидан ваколатли давлат органларининг ҳудудлар кесимидаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тақлифлар ишлаб чиқилади ҳамда магистратуранинг бошқа мутахассисликлари бўйича қабул квоталари Бош прокуратура томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Белгилансинки:

Академияда ўқитиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ташкил этилиб, бакалаврият ва тергов фаолияти бўйича магистратурага қабул параметрлари Васийлик кенгашининг тақлифини инобатга олган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади;

Академияга қабул қилишда абитуриентларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим муассасаларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича битирувчилари ваколатли давлат органларига хизматга (ҳарбий хизматга) қабул қилинганда фақат офицерлар таркибига кирувчи ёки даражаси унвон берилиши кўзда тутилган лавозимларга тайинланади;

давлат грантлари асосида ўқишни тамомлаган Академия бакалавриятининг битирувчиларига ваколатли давлат органларида камда уч йил ишлаб бериш (хизматни ўташ) мажбурият юкланади;

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурасига кундузги шаклда ўқишга қабул қилинган ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек, бошқа мутахассисликлар бўйича магистратуранинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимларини ўқитиш бепул асосда амалга оширилади ҳамда уларнинг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ўқиш якунлари бўйича юқори натижаларга эришган ваколатли давлат органлари ходимлари Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурасини тугатиши билан, қоида тариқасида, илгари эгаллаб турган лавозимига нисбатан юқори лавозимга тайинланади;

Академияда ўқиш даври ваколатли давлат органлари ходимлари учун пенсияга чиқиш, унвон (даража) олиш ва қўл йиллик хизмати-ни ҳисоблаш ҳуқуқини берувчи умумий хизмат (ҳарбий хизмат) стажига ўқишнинг бир йили хизмат (ҳарбий хизмат)нинг бир йилига тенглаштирилган ҳолда киритилади.

7. Ваколатли давлат органлари ходимлари учун Академияда қуйидаги ўқув дастурлари бўйича касбий қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мажбурий тартиби жорий қилинсин:

биринчи маротаба ваколатли давлат органларига хизматга қабул қилиниб, суриштирувчи ёки терговчи лавозимларига тайинланган ҳамда прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилинган ходимлар учун — давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган мажбурий бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш курслари;

прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш мақсадида захирада турган кадрлар учун — давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган раҳбар кадрларни касбий қайта тайёрлаш курслари;

суриштирувчи ёки терговчи лавозимларига тайинлаш мақсадида ваколатли давлат органлари ходимлари учун — давомийлиги 288 соатдан кам бўлмаган касбий қайта тайёрлаш курслари;

ваколатли давлат органларининг суриштирув ва тергов тузилмалари ходимлари, шунингдек, прокуратура органлари барча бўғинлари ходимлари учун (ҳар уч йилда камда бир маротаба) — давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган малака ошириш курслари.

Белгилаб қўйилсинки:

Академиянинг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш ваколатли давлат органлари раҳбарлари тавсиясига кўра амалга оширилади;

мазкур банднинг иккинчи ва тўртинчи хат-бошиларида белгиланган курсларни терговчи (суриштирувчи) лавозимларига тайинланган ҳамда илк бор прокуратура органларига хизматга қабул қилинган ходимлар улар лавозимга тайинланган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмасдан ўтади. Ушбу курсларни ўташ бўйича талаб бакалавриятни Академияда битирганларга ёки Ички ишлар вазирлиги Академиясининг “Тергов фаолияти” мутахассислиги бўйича битирувчиларига нисбатан татбиқ этилмайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими-га кирувчи курсларда ўқиётган ваколатли давлат органлари ходимларининг эгаллаб турган лавозимлари бўйича белгиланган тартиб ва миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўловлари (пул таъминоти) сақлаб қолинади.

8. Қуйидагилар:

Жиноятлар тергов қилиш соҳасида кадрларни узлуксиз ўқитиш ягона тизимининг тузилмавий-мантқиқий схемаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) Васийлик кенгашига — ваколатли давлат органларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича бакалаврият ва магистратурасига қабул параметрларини ошириш юзасидан тақлифлар киритиш;

б) Бош прокуратура: тергов фаолияти йўналишидан ташқари мутахассисликлар бўйича Академияда ўқув жараёнини таълимнинг кечки, сиртки ва масофавий шакллари асосида ташкил этиш;

Академия тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳамда тўлов-контракт асосида ўқитиш ва пуллик хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан қўшимча штатлар жорий этиш;

Академия учун белгиланган қабул параметрларидан ташқари табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қўшимча қабул квоталарини белгилаш;

в) Академияга: ваколатли давлат органларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, бакалаврият ва магистратурада ўқиш мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; илмий, таълим, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда таққиланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш;

Академия фаолиятига мутахассисларни (консултант, маърузачи, ўқитувчи ва бошқалар) соатбоя ва узоқ муддатли ишлаш шартларида жалб этиш ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт асосида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тегишли тўловларни белгилаш;

г) Академия бошлиғига:

Академия Кенгаши тавсиясига кўра бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бакалавриятнинг иқтидорли талабаларига қўшимча индивидуал стипендиялар ажратиш; етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва битимлар тузиш;

халқаро ҳамкорлик ва икки томонлама шартномалар доирасида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш.

10. Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари;

Академияда тўлов-контракт шаклида ўқишдан тушадиган маблағлар;

пуллик хизматлар кўрсатиш, шунингдек, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш орқали даромад олишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши таркибига кирувчи давлат органлари томонидан ажратиладиган бюджетдан ташқари маблағлар;

миллий ва халқаро грантлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

Академияга олти дона хизмат енгил авто-транспорт воситаси (шу жумладан, 5 та шахсий бириктирилган) ҳамда иккита автобусни сақлаш учун лимит белгилансин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Ихтисослаштирилган филиалнинг амалдаги ўқув дастурлари бўйича ўқитиш улар якунланганига қадар илгари белгиланган тартибда Академияда давом эттирилади, тингловчиларга нисбатан илгари ўрнатилган имтиёз ва мажбуриятлар сақлаб қолинади ҳамда битирувчиларга тегишли мутахассислик бўйича диплом берилди;

Академиянинг қўшма таълим дастурларини қўшма қўшма факультетларини тугатгандан сўнг ўқишни давом эттирган шахсларга берилган хорижий таълим ташкилотларининг белгиланган шаклдаги дипломлари (бакалаврият, магистратура) қўшимча маъмурий тартиб-таомилларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади;

Академия магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ҳарбий хизмат (хизмат)ни ўташда Қуроли Кучлар Академиясининг икки йиллик магистратура дастурини, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг иккинчи даражадаги магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги дипломларга тенглаштирилади;

Академияда тўлов-контракт асосида ўқитиш қўйиматлари ҳар йили Васийлик кенгаши томонидан белгиланади;

туғатилаётган Ихтисослаштирилган филиал ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда тузиладиган муддатли меҳнат шартномасига асосан Академиядаги мавжуд штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари доирасида ишга қабул қилинади;

Академиянинг бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджетни параметрларида назарда тутилади.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Ортиқўжаев):

Бош прокуратура билан биргаликда 2023/2024 ўқув йили якунига қадар

Академиянинг ўқув-маъмурий корпусини тўлақонли ташкил этиш ва фойдаланишга топшириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Академия кампусини бунёд этиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланганига қадар туғатилаётган Ихтисослаштирилган филиал талабаларининг Академияда ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадида бошқа таълим муассасаларидан бепул асосда бино, ётоқхона ва аудитория хоналари вақтинча ажратилишини таъминласин.

13. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобонозов) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

Ички ишлар вазирлиги Академиясига “Тергов фаолияти” йўналиши бўйича бакалавриятга қабулни тўхтатиб, ушбу соҳадаги ўқув-услубий ва ахборот-ресурс базаларини босқич-ма-босқич Академияга ўтказсин;

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” йўналиши бўйича бакалаврият ўқув дастурига йиллик қабул квотани кўпайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Спичрайтери Х.М.Султанов Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда икки ой муддатда прокуратура органлари ходимларининг умумий дунёқараш, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, касбига нисбатан содақот ва юқори масъулият ҳис-ларини ошириш чораларини назарда тутуви маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

15. Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) уч ой муддатда:

Ихтисослаштирилган филиални туғатишга масъул бўлган Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли бино-иншоотлар, штат бирлик-лари, ўқув-услубий ва ахборот-ресурс база, моддий-техника ва бошқа мол-мулкларини мазкур Фармонга мувофиқ топшириш-қабул қилиш бўйича ташкилий чораларни кўрсин;

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат боғхона кўмитаси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда очиб, ҳар томонлама ва ҳолис танлов мезон ва механизмларини қамраб олган Академияда олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитишнинг алоҳида тартибини назарда тутуви Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда белгиланган тартибда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни киритсин.

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда Академиянинг замонавий кампусига зарур бўлган бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жозалаш ишлари учун тегишли маблағлар ажратиш бўйича тақлифларни 2023–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш дастурларига киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини таққиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4166-сон қарори 5-банднинг биринчи — бешинчи, еттинчи — саккизинчи хатбошилари, 6-банднинг биринчи — бешинчи хатбошилари ҳамда 9-банднинг биринчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи хатбошиларидан ташқари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.Б.Қадиروف зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БОШ ҚОНУНИМИЗ ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

УШБУ МУҲИМ СТРАТЕГИК ВАЗИФАНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЕТТИ МАРТА ЭМАС, ЕТМИШ МАРТА ЙЎЛАБ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ



Одилжон ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Бошланғич 1-бетда

Жорий йилда, ролпа роса етти ой аввал Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракциялари томонидан конституциявий ислохотлар буйича муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш борасидаги ишларни самарали ва пухта ташкил этиш мақсадида Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкил этиш чора-тадбирларни амалга ошириш буйича Конституциявий комиссия тузилди.

Конституциявий комиссия фаолиятининг ўзига хос хизматлари ва босқичлари нималарда кўринди?

Конституциявий комиссияга юртимиз тараққийотининг янги босқичидаги ислохот ва талабларга мос равишда Бош қонунимизни, энг муҳими, фуқароларимиз хоҳиш-иродаси ва фикрини ўрганган ҳолда, ҳақиқий халқ Конституциясига айлантиришдек масъулиятли вазифа юклатилди. Конституциявий комиссия тарихидан турли касб ва соҳа вакилларидан иборат бўлган тажрибали 47 мутахассис ўрин олди. Бунинг учун Олий Мажлис па-

тибда кўриб чиқиш учун тақдим қилинган таклифларга асосан, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Конституциявий комиссия ўз фаолиятини уч босқичда амалга оширмоқда. Хусусан, биринчи босқичда Конституцияни ўзгариш буйича таклифларни қабул қилиш, жамлаш ва таҳлил қилишни ташкиллаштириш билан банд бўлди. Бир ойлик муддатни ўз ичига олуви бунинчи босқичда халқимиздан 62 мингдан зиёд таклиф, гоҳ келиб тушди. Иккинчи босқичда парламент томонидан ишлаб чиқилган, такомиллаштирилган Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқилди ва конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилмоқда. Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилгандан сўнг 1 августга қадар 150 мингдан ортиқ таклиф келиб тушди. Учинчи босқич эса умумхалқ муҳокамаси натижасида маромига етказилган қонун лойиҳаси Президентимиз таклифига асосан, референдум ўтказиш йўли қабул қилинишини назарда тутди.

Конституциявий қонун лойиҳаси қайси мезонлар асосида ишлаб чиқилди?

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 июнь кунини Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувида илгари сурилган муҳим ташаббуслар конституциявий ислохотларимизга янги-ча мазмун-моҳият олиб кирди. Чунинчи, Конституциявий комиссия ҳамда парламент томонидан ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳасида инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буюр барча соҳаларда биринчи ўринда туриши, ислохотларимиз замирида инсон қадарини уюлганлиги назарда тутуви меъёрлар акс эттирилишига хизмат қилди.

Шунингдек, Президентимиз мустақилликнинг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги натижа ҳам Бош қонунимизни такомиллаштириш масаласига алоҳида тўхталиб, Конституцияимизнинг янада халқчиллигини таъминлаш буйича билдирилган фикрлар конституциявий қонун лойиҳаси учун масъул қўмиталар зиммасига алоҳида масъулиятни юклатди. Эслаб ўтиш жоиз, Конституциявий комиссиянинг ҳулосалари ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги

Учинчидан, таклифнинг амалга оширилиши ўзбек давлатчилигининг тарихий тараққийоти, буюк аждодларимизнинг маданий мероси ва миллий қадриятларимизга пугур етказмаслиги талаби қўйилди.

Тўртинчидан, таклифнинг долзарблиги, қўпчилиқнинг манфаати инобати олингани ва ушбу моддани айнан Конституция даражасига мустақамлаш зарурати етарлича асосланганига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, таклифни амалга оширишнинг салбий оқибатлари йўқлиги ёки уларнинг минимал даражада экани диққат марказида турди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида масъул қўмиталарнинг қарийб 40 та мажлиси ўтказилди. Қўмита мажлисларида мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари иштирок этди. Қолаверса, масъул қўмиталар йиғилишларида таклифларни долзарб аҳамият касб этган муаллифлар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг берган таклифни бевосита ўзининг иштирокида муҳокама этиш механизми жорий этилди.

Конституциявий ислохотлар билан боғлиқ ахборотларнинг очқилиги таъминланди

Конституциявий комиссия ташкил этилиши билан унинг фаолияти очқил ва шаффоқ бўлишини таъминлаш ҳамда бу борадаги ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида комиссия ҳузурида матбуот хизмати иш бошлади. Унинг фаолиятига мамлакатимизнинг етакчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг етуқ журналистлари жалб қилинди. Халқимиз, кенг жамоатчиликни комиссия, унинг ишчи гуруҳлари фаолияти ва конституциявий ислохотларнинг босқичлари ҳақида ҳолис, ўз вақтида ва кенг тарзда хабардор қилиб бориш, ушбу жараёнларнинг шаффоқлигини таъминлашга ҳаракат қилинди.

Утган давр мобайнида конституциявий ислохотлар жараёнидан жамоатчиликни хабардор қилишга доир қатор брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этилди, қолаверса, Конституциявий комиссия йиғилишлари тўғрисида турғи эфирга узатилди. Комиссия билан аҳоли, кенг жамоатчилик, фуқаролик жамиятлари институтлари, оммавий ахборот воситалари ўртасида қайта алоқа ўрнатилди. Айниқса, кенг аудиторияни ўз ичига олуви ижтимоий тармоқлар, нодавлат теле ва радиоканаллар билан самарали ҳамкорликка эътибор қаратилди.

Ушбу ҳамкорлик натижасида конституциявий ислохотларнинг бориши ҳақида, жумладан, экспертларни жалб қилган ҳолда интервьюлар уюштириш орқали тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу ўринда айрим рақамларга тўхталсак, 25 ноябрь ҳолатига кўра, конституциявий ислохотларга старт берилгандан бундан давлат телеканалларида 7406 та, нодавлат телеканалларида 7194 та, жами 14 минг 600 та лавҳа, интервью, информацион ва махсус кўрсатув эфирга узатилди. Давлат радиоканалларида 2155 та, нодавлат радиоканалларида 1948 та, жами 4103 та информацион ва махсус эшиттириш ташкил қилинди. Марказий босма нашрларда 786 та, худудий босма нашрларда 584 та, жами 1370 та мақола чоп этилди. Конституциявий ислохотлар юзасидан интернет нашрларида 7791 та, "Telegram", "Facebook", "Instagram", "YouTube" каби ижтимоий тармоқларда 52 минг 845 та, жами 60 минг 636 та ахборот материаллари эълон қилинди. Шунингдек, Конституциявий комиссия матбуот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида шу кунгача жами 1100 дан ортиқ ахборот материаллари (ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида) жойлаштирилди.

Умумхалқ муҳокамасидан сўнг конституциявий қонун лойиҳасида нима қарор қабул қилинди?

Бош қонунимиз миллиятнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, уни тақомиллига етказишда шомша-шошларига йўл қўйиб бўлмайди. Халқимиз Бош қонунимизни ўз ҳаёти манфаатлари муҳрланган қалқон сифатида ардоқлаши учун уни мукамал, тўғридан-тўғри ишловчи ҳужжатга айлантиришимиз керак. Шу боис, 6 октябрь кунини давлатимиз раҳбари Сирдарё вилояти фаоллари билан ўтказилган учрашувда ҳам конституциявий ислохотлар ҳақида фикр билдириб, мукамал, халқчил, адолатли жамиятни барпо этишга қафолат бўладиган Конституцияни яратиш учун шошилмаслик кераклигини қайд этди.

Конституциявий қонун лойиҳасига таклифлар келиши ҳамон давом этмоқда. Шу ўринда табиий савол туғилади: умумхалқ муҳокамасидан кейин масъул қўмиталар тасарруфидоги конституциявий



қонун лойиҳаси қанчалик ўзгарди? Ёки муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қанчалик хизмат қилди?

Ҳақиқатда Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси аянқлари асосида уни такомиллаштириш буйича олиб борилаётган ишлар юзасидан масъул қўмита раиси ахбороти тинланди. Қайд этилишича, халқимиз, кенг жамоатчилигимиз томонидан асосланган, йўлаб таҳлил қилишга мажбур қиладиган қўлаб таклифлар келиб тушган бўлиб, улар мазмунига қараб туркумланган, ўқшаш таклифлар умумлаштирилган ҳамда мавҳум таклифларга аниқлик киритилган.

Бундан ташқари, конституциявий қонун лойиҳаси 6 турдаги, жумладан, лингвистик, юридик, гендер-ҳуқуқий, коррупцияга қарши, жамоатчилик ҳамда инсон ҳуқуқлари нормаларига мувофиқлиги буйича экспертизадан ўтказилди. Конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларда конференция ва давра суҳбатлари ўтказилиб, унда иштирок этган сиёсий доира вакиллари ва етакчи экспертлар билдирган таклифлар ҳам масъул қўмиталар томонидан изчиллик билан ўрганилган.

Қолаверса, Қонунчилик палатасидаги депутатлар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари, мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар томонидан берилган асосли таклифлар асосида конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилган. Натижада Конституцияимизнинг муқаддимасидан тортиб, 76 та моддасига тузатишлар, 15 та янги модда ва 1 та янги боб киритиш назарда тутилган конституциявий қонун лойиҳаси шакллантирилган.

Шу ўринда конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига чиқарилган ва бугунги кунда тайёр бўлган матни ўртасидаги асосий ўзгаришлар нималарда ифода этилишига тўхталсак.

Биринчидан, Конституцияга инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган янги қоидаларни киритиш ишлари давом эттирилди. Жумладан, амалдаги Конституцияимизнинг 26-моддасида шахсини иши судга кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган бўлса, энди шахсининг айби суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қоний қучга қирган ҳукми билан аниқланмагунча у айбдор ҳисоблангани мустақамланмоқда. Бундан ташқари, 26-моддада шахсининг ўзи айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилмаслиги ва жазога тортилмаслиги назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг илг талқиндоғи 29-моддада шахсининг интернет тармоғига кириши ҳуқуқ сифатида белгиланган бўлса, энди интернет тармоғидоғи фойдаланиши таъминлаш учун шарт-шароит яратиш давлатнинг мажбурияти сифатида белгиланиши таклиф этилмоқда. Конституцияимиз янги 32-1-модда билан тўлдирилиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга экани қафолатланмоқда. 46-моддада давлатнинг хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш назарда тутилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг ролини ошириш, уларнинг прокурорлар билан тенг тортишувчанлик принципи асосида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган нормалар, хусусан, адвокатурага бағишланган янги XXII-1 боб киритилмоқда. Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилиниши мустақамланмоқда.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга қаратилган қўшимча нормалар киритилиши кўзда тутилган. Жумладан, давлатнинг фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш чораларини кўришга оид вазифаларини назар-



“ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ 6 ТУРДАГИ, ЖУМЛАДАН, ЛИНГВИСТИК, ЮРИДИК, ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ, ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЙИЧА НОРМАЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ БУЙИЧА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИЛДИ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЮЗАСИДАН АҚШ, БУЮК БРИТАНИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ПОЛЬША, ЯПОНИЯ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ҲИНДИСТОН КАБИ ДАВЛАТЛАРДА КОНФЕРЕНЦИЯ ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ, УНДА ИШТИРОК ЭТГАН СИЁСИЙ ДОИРА ВАКИЛЛАРИ ВА ЕТАКЧИ ЭКСПЕРТЛАР БИЛДИРГАН ТАКЛИФЛАР ҲАМ МАСЪУЛ ҚЎМИТАЛАР ТОМОНИДАН ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ЎРГАНИЛГАН.

да тутувчи янги 37-1-модда киритилди. 40-моддада давлатнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан бирга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун ҳам шарт-шароит яратиши қафолатланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида педагог ходимларга оид қоидалар қайта кўриб чиқилди ва ўқитувчи касбига нисбатан юксак ҳурматни ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини назарда тутувчи алоҳида янги 41-2-модда киритилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойлигининг асоси сифатида эътироф этилади", деган қоида ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, давлат ўқитувчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилиши белгиланмоқда.

Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи қоидалар янада такомиллаштирилди. Жумладан, 45-моддада давлат ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, уларнинг ишга жойлаштиришига, таълим олишига қўмақлаштириши, зарур ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлаш белгиланмоқда.

Бола ҳуқуқлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган қоидалар ўрнатилмоқда. Масалан, 65-моддада боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароит яратиш шунчаки давлат сиёсати эмас, балки давлатнинг бурчи экани белгиланмоқда. Давлат томонидан ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш учун янги 65-1-модда киритилмоқда.

Миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган нормалар акс эттирилмоқда. Жумладан, 36-моддада нафақат банк омонатлари, балки банк амалиётлари ва ҳисобовларнинг ҳам сир тутилиши қафолатланмоқда. 53-моддада давлат бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиши белгиланаётган бўлса, Марказий банкнинг рақобатини қўллаб-қувватлаш ҳамда банкнинг ҳам сир тутилиши қафолатланмоқда. 53-моддада давлат бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиши белгиланаётган бўлса, Марказий банкнинг рақобатини қўллаб-қувватлаш ҳамда банкнинг ҳам сир тутилиши қафолатланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳаси билан ҳокимларнинг халқ депутатлари кенгашларида бошчилик қилишини назарда тутувчи қоида чиқариб ташлашни зарур қилиши қайд этилган эди. Шунга мувофиқ, 99-моддада "Ҳоким лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтининг ўзида тегишли халқ депутатлари кенгашига

раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас", деган қатъий норма ўрнатилмоқда.

Лойиҳанинг илгари эълон қилинган таҳриридаги 100-моддада халқ депутатлари кенгаши томонидан маҳаллий бюджетни кўриб чиқиш фақатгина ҳокимнинг тақдимига биноан амалга оширилиши кўрсатилган эди. Бу эса депутатларнинг бу борадаги ваколатини бевосита ҳокимга боғлаб қўйишга олиб келиши мумкинлиги айтилди. Энди шундай "тобелик" чиқариб ташланмоқда, яъни мазкур моддани янги матнда халқ депутатлари кенгаши "маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш" ваколати ҳеч қандай шартларсиз ва тўсиқларсиз амалга оширилиши кўрсатилган. Бундай қоида худудий дастурларни тасдиқлаш жараёнига нисбатан ҳам таъбиқ этилмоқда.

Бундан ташқари, етарлича асосланган, низо келтириб чиқариш эҳтимоли мавҳум деб ёки Конституцияда акс эттиришга эҳтиёж йўқ, деб ҳисобланувчи қоидалар чиқариб ташланмоқда.

Жумладан, муҳокамага чиқарилган лойиҳанинг 37-моддасида "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг нафақат ўзи, балки оиласи яшаш учун ҳам етарли бўлиши керак", деган норма кўп эътирозларга сабаб бўлди. Хусусан, жамоатчилик ҳамда экспертлар фикрича, айнан бир хил лавозимдаги ходимларга оиласининг катта ёки кичиклиги, яъни оила аъзолари сонига қараб турлича иш ҳақи тўланиши тенглик мезонига тўғри келмайди ва меҳнат соҳасида камситишга олиб келади. Шу сабабли ушбу қоида "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг нафақат ўзи, балки оиласи яшаш учун ҳам етарли бўлиши керак", деган қоидага алмаштирилди. Қолаверса, амалдаги меҳнат қонунчилигида мувофиқ, бола парвартириш таътилидан нафақат она, балки боланинг отаси ёки бошқа қариндошлари ҳам фойдаланиши мумкинлиги инобатга олинди, 37-моддани аёнлаштириш бола парвартириш таътилига қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи қоидалар чиқариб ташланмоқда.

Албатта, конституциявий қонун лойиҳаси билан амалдаги Конституцияимизга ўзгариш ёки қўшимча сифатида киритилиши таклиф этилаётган барча янги норма ва моддалар мазмун-моҳияти ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Масъул қўмита ахборотидан сўнг Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари конституциявий қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиш, асосланган таклифларни лойиҳада акс эттиришга доир ишларни тизимли равишда ташкил этиш, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш зарурлиги буйича фикрларини билдириб ўтди.

Янгилаб айтиш керак, Президентимиз таъбири билан айтганда, Конституцияни янгилашдек гоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта йўлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

МУДОМ ЁНГАЙ УЙДА ЧИРОҒИНГ

Бу йил тоғларга қор эрта тушди. Унинг чўққиларга ёйган чойшаби кўёш нурларида кумушдай ялтиради. Офтоб ёдуси Чотқол дарёси кесиб тушган дарага ҳам таралаётганига қарамай, эсаётган совуқ шамол этни жунжитиради, кўзни очиртирмайди.

— Бу ерда шамол гидростанцияси ҳам қуриш керак экан, — дейман ҳамроҳларимизга шамолнинг катта кучига ишора қилиб.

— Бу жиҳат ҳам ҳар томонлама ўрганилган, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов. — Ҳозирги технологиялар учун бу ерда эсадиган шамол тезлиги кучлилик қилади. Генераторлар кўтара олмайди. Насиб этса, олим-муҳандисларимиз уларни такомиллаштиришга, кучли шамолларда ҳам ишлайдиган станциялар яратиш, улардан ҳам фойдаланамиз. Президентимиз топшириғига кўра, энди биз гидростанциялар қуришимиз керак. Қўй Чотқол



ГЭСи ҳам шундай барпо этилади. Тоғ ёнбағирларига кўёш панелларини ўрнатамиш, сувдан ҳам, кўёшдан ҳам электр энергияси ҳосил қилинади.

Чотқол дарёси денгиз сатҳидан 4000 метргача баландликда жойлашган музликлардан бошланади. 217 километр йўл босиб Чорвоқ сув омборига келиб қўйилади. Унинг Бўстонлик туманидаги тоғ этакларига туташ қисми Қўй Чотқол деб аталади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги "Чотқол дарёсида Қўй Чотқол ГЭС қурилиши" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тад-

бирлари тўғрисидаги қарорига асосан, мана шу кенгликда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ томонидан қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Ҳар қандай катта қурилиш лойиҳадан, муйайн майдонни танлашдан бошланади. ГЭС лойиҳаси Марказий Осиёда энг нуфузли ташкилотлардан ҳисобланган "Гидропроект" АЖ томонидан ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишлар Туркиянинг "Dolsar Engineering" ва Эроннинг "U suv alan Ltd" лойиҳа ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

ГЭС қурилиши учун бу ер танланганида даранинг икки томони тик қоялардан иборат бўлгани учун техника туғул одамнинг юриши қийин бўлган. Қурувчилар бу ерда автотранспорт йўллари қуриш, кўприклар солиш учун туну кун, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ишлашига тўғри келди. Хусусан, дарё устидан утган узунлиги 63, эни ўн метр бўлган янги кўприк 100 тонна юкни кўтара олади. У замонавий стандартлар асосида мустаҳкам барпо этилган. Ундан ўнлаб тонна юк ортган қудратли техника бемалол ўтиб қайтмоқда. ГЭС ёнида кўча бетон заводи ҳам барпо этилди. Бу ерда соатига 60, кунига 400-600 куб метр тайёр бетон қоршамалари қурилиш ишларига етказиб берилмоқда. Шу тўғрисида қурувчилар ГЭСнинг асосий 438 метри сув туннелини белгиланган режага мувофиқ битказди, бетонлаш ишлари ҳам сифатли бажарилибди.

Энди ана шу туннелдан дарё суви оқмоқда. Бу, ўз навбатида, Қўй Чотқол узанини тўсиш ва тўғон қурилиши учун сув йўналишини вақтинча бошқа томонга йўналтиришга зарурий шароит яратди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мазкур ГЭСнинг иқтисодийлигида тугган ўрни ва афзалликлари ҳақида сўз борди.

Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаевнинг қайд этишича, янги гидроиншооти 2025 йилгача қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳисоб-китобларга кўра, ГЭС ишга туширилган, унинг мамлакат ички ялли маҳсулотигадаги улуши ўртача 25 477,8 миң еврони ташкил қилади ва 122 миңдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Қурилиш жараёнида уч миңдан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилса, иншоот ишга тушган, 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

— Барпо этилаётган ушбу ГЭС лойиҳасида ҳар бирининг қуввати 22,5 МВт бўлган 4 гидроагрегат-



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

ни ўрнатиш мўлжалланган, — дейди "Гидропроект" бош директори Роман Оришқук. — Уларнинг ўрнатилган қуввати 90 МВт бўлиб, йиллик ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 292,24 миллион киловатт-соатга тенг. Унинг асосий асбоб-ускуналари норматив муддатларга кўра, 40 йилгача хизмат қилиши мумкин, амалда эса улар 80 йилгача ҳам ишлайди. Яна бир жиҳати, у темир-бетондан қурилади. Иншоот гидрологик режимга таъсир қилмайди ва гидробиологик объектларга зарар етмайди, атроф-муҳит ва табиат ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Қурилиш бошланган Қўй Чотқол сув омборининг лойиҳа бўйича умумий сув тўплаш ҳажми 6,8 миллион куб метрни ташкил этади. Лекин бу жараёнда яйлов ёки қишлоқлар сув таъминотида қўйилган километрдан ортиқ қисми сув омбори вазифасини ўтайди.

— Қўраётган ГЭСимизни иссиқлик электростанцияларига қиёслайдиган бўлсак, кун давомида электр энергиясига талаб кескин ошган даврда ҳам уни етказиб бера олади, — дейди Абдуғани

Сангинов. — Ҳар йили 91 283,4 миң куб метр табиий газни иқтисод қилади. Экологик жиҳатдан тоза электр энергияси ишлаб чиқариши бос, атмосферага зарарли чикиндилар чиқиши қисқаради. Электр энергияси таннархи нисбатан паст, яъни иссиқлик электростанциялариникидан 8-10 баробар арзон бўлади. ГЭС ва унинг асбоб-ускуналарини эксплуатация қилишнинг техник муддати узоқ, иссиқлик электростанциялардан икки баробар кўпроқ вақт хизмат қилади.

Бўстонлик туманида яна бир йирик гидроиншоот — Пском ГЭСини қуриш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. Бу иншоот Тошкентдан 120 километр шимол-шарқда, Чорвоқ сув омборидан 45 километр юқорида жойлашган бўлиб, қуввати 400 МВт ни ташкил этади. У салоҳияти жиҳатдан Чорвоқ ГЭСдан кейинги иккинчи ўринда туради. Лойиҳага кўра, йилгача 950 миллион кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу жараёнга маҳаллий ва хорижий ташкилотларнинг малакали мутахассислари ҳам жалб этилган. Уни қуриш инвестиция лойиҳаси доирасида

қабул қилинган техник ечимлар бўйича "Tractebel Engineering GmbH" (Германия) халқаро инжиниринг компаниясининг хулосаси олинди. Чунки барпо этиладиган иншоот ҳар жиҳатдан мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши зарур. Лойиҳа бўйича Пском сув омборининг тўла ҳажми 511,2 миллион куб метрни ташкил қилади. Бу ерда ГЭС қурилиши мамлакатимизда ёнилғи-энергетика ресурслари самарали иқтисод қилинишига ҳисса қўшиб, йилгача 300 миң тонна шартли ёнилғи ўрнини ёки 250 миллион куб метр шайбон газни тежашга замин яратди.

Лойиҳага кўра, жами 799,6 миллион доллар инвестиция ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, белгиланган ишлар ҳажми ва иншоотнинг технологик мураккаблигидан келиб чиқиб икки босқичда амалга оширилади. Умуман олганда, яқин истиқболда узунлиги 73 километр бўлган Пском дарёсида яна тўртта ГЭС қурилиши мўлжалланяпти. Уларнинг умумий қуввати 1 миң 320 МВт ва йиллик ўртача ишлаб чиқариш салоҳияти 3140 миллион кВт-соат бўлиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқаришда ГЭСларнинг иштироки йилдан-йилга ошиб борапти ва буғунги кунда улуши 15 фоизни ташкил этмоқда. Давлатимиз раҳбари 2021 йил 30 ноябрда гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳалар билан танишиш чоғида таъкидлаганидек, юртимизнинг бу соҳадаги салоҳияти 50 фоиз ишга солинган, холос. Шу босис, жами 740 мегаватт қувватли 20 дан ортиқ янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилди. Хусусан, 2022 йилда 173 мегаваттлик 7 та, 2023–2024 йилларда 157,6 мегаваттлик 11 ҳамда 2025–2026 йилларда 458 мегаваттлик 6 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Бу лойиҳаларнинг ишга тушиши уйларида чироқнинг мудом ёнишига, тадбиркорлик субъектларини электр энергияси билан барқарор таъминлашга катта ҳисса қўшади.

ЭЛГА МЕҲР БОЙЛАБ

МАҲАЛЛАНГИЗДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Фарҳод НЕҒМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ушбу савол билан кўплаб ёшларга муурожаат қилиб, шунинг англаш мумкинлиги, ҳали фаолият бошлаганига кўп бўлмаган ёшлар етакчилари ўзларига бириктирилган ишларни сидқидилдан бажариб, амалда келажак ворисларимизнинг ҳақиқий етакчисига айланмоқда.

— Албатта, танийман, — дейди Шароф Рашидов туманининг Мулканик маҳалласида яшовчи Абдулхамид Иннатуллоев. — Ёшлар етакчиси Аббосбек Ҳайдаров ўзимизнинг маҳалладан. У ўтган қисқа вақт ичида маҳалламиз ёшлари бошини қовуштира олди. Кўплаб қизлар ва йигитларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмаклашиб келади. Жумладан, ўзим ҳам мактабни битирганимдан кейин ишсиз эдим. Бир кун етакчимиз ўйимизга келиб, давлат томонидан биз, ёшларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида айтди. "Ёшлар дафтари"га киритди. Мебелсозликка қизиқишим борлигини айтдим. Ушбу йўналишда Жиззах шаҳридаги Мономарказда бепул ўқишим учун йўлланма олиб берди. Уч ойлик курсни тугатиб, маҳалламиздаги мебель цехига ишга жойлашдим. Ушбу соҳани тўлиқ ўзлаштириганимдан кейин ўзим мустақил мебель цехи очишни ният қилганман. Бу борада ҳам маҳалламиз ёшлар етакчиси билан гаплашиб кўйдим. Қачон тайёрман десам, менга субсидия олиш ва ўз тадбиркорлигимни бошлашимда ёрдамлашмоқчи.

Шу сўхбатнинг эртаси кун Мўлканик маҳалла марказига бордим. Яқин орада иш юритаётган сартарош йигитдан маҳалла ёшлар етакчиси ҳақида фикрини сўраб муурожаат қилдим.

— Аббосбек ҳақида меннинг фикримни ҳам, албатта, ёзинг. Сартарошликни билардим, аммо сартарошхона очишга имкониятим йўқ эди. Банкдан кредит олиб сартарошхона очишга кўп ҳаракат қилиб кўрдим. Аммо баъзан банк фойзаларининг юқорилиги, кредит манбаларининг

тугаганлиги, баъзан эса гаров таъминоти ёки кафил топилмаганлиги каби сабаб ва баҳоналар билан кредит ололмадим. Ноилоҳликдан чет элга чиқиб ишламоқчи эдим. Буни қарангки, шу орада ёшлар етакчисининг ўзи уйимизга келди. Сартарошликдан хабардорлигимни билгани учун маслаҳат берди: "Шундай яхши хунарингиз бор бўлса ҳам, бекор юрибсиз. Президентимиз томонидан ёшларга берилаётган имкониятлардан фойдаланинг. Давлатимиз томонидан қайтариб бермаслик шарт билан беғараз субсидия ажратилапти. Етмаса, имтиёзли кредит олинг. Бунақа ишсиз ўтирмасдан ишланг, ўзингизга ҳам, оилангизга ҳам фойда бўлсин, халқимизга ҳам нафрингиз тегсин".

Шу ундов сабаб бўлди-ю, замонавий сартарошхона очиб, рўзгор тебратяпман. Очиги, ўзим мусофирчиликни кўрмаган бўлсам ҳам, хорижда ишлашнинг азоб ва машаққатлари ҳақида дўстларимдан эшитганман. Ҳозирда эса ўз юртимизда рўзгор тебратяётганимдан, оилам бағрида эканлигимдан хурсандман. Халқимизга, айниқса, биз, ёшларга билим олиш, меҳнат қилишга кенг шароитлар, имкониятлар яратиб берилаётганини англашгина эртак, ундай фойдаланиш ҳам керак экан, — деди Омонжон Орипов.

— Ҳақиқатан, маҳалламиз ёшлар етакчисининг буғунги иш фаолияти самараси алоҳида мақола ёзишга арзийди, — сўхбатга қўшилди ўзини Жамшид деб таништирган йигит. — Ўзим тадбиркор бўлсам ҳам спортга, айниқса, футболга қизиқман. Шу сабаб, маҳалламизнинг мактаб ўқувчиларидан футбол жамоаси

тузганмиз. Бир неча бор вилоятда чемпион бўлиб, мамлакат миқёсида ҳам совринли ўринларни олганмиз. Аммо мактабимиз спорт зали талабга жавоб бермасди. Ёшлар етакчисининг ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида шу спорт зали таъмирланди. Ҳозир бу ер ҳам мактаб ўқувчиларига, ҳам маҳалламиз ёшларига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Аббосбекнинг сай-ҳаракати билан ёшларимиз биллашиб, "openbudget.uz" платформаси орқали маҳалламиздаги 29-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари учун қўшимча синфхоналар бунёд этишга қарийб 1 миллиард сўм маблағ ютди. Мазкур маблағга янги синфхоналар бунёд этилди. Уларни жиҳозлаш учун туманимиз ҳокимлиги маблағ ажратди.

Шу пайт маҳалла ёшлар етакчисининг ўзи келди, бафуржа сўхбатлашдик.

— Маҳалламизда 6045 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. "Ёшлар дафтари"да турган 89 нафар йўл-қизга ёрдам кўрсатдик. Уларнинг 44 нафарига иссиқхона қуриб бердик. Ҳозир кўплаб ёшлар ушбу иссиқхоналарда маҳсулот етиштириб, даромад топиш билан бирга, қиш мавсумида халқимиз дастурхони фаровонлиги, бозорларимиз тўқинлигига ўз ҳиссаларини қўшапти. Маҳалламиз шаҳарга яқин жойлашганлиги сабабли кўплаб ёшларимизнинг маиший хизмат кўрсатиш, мебелсозлик ва бошқа тадбиркорлик йўналишларини ўзлаштиришга иштиёқи баланд. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган кўплаб ёшларга субсидиялар ажратилишида ёрдамлашдик. Биргина мебелсозлик йўналишида 20 нафар ёш ушбу имкониятдан фойдаланди. Бундан ташқари,

яқинда маҳалламизда ташкил этилган болалар қишлоқ бош қийимлари ишлаб чиқариш цехига 15 нафар хотин-қизни ишга жойлаштирдик. Маҳалламизда 128 нафар бандлиги таъминланмаган ёшлар бор эди. Уларнинг 90 нафарини иш билан таъминладик. Ташаббускор ёшларимиз учун 1 миллиард 980 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратишга кўмаклашдик. Яна 50 нафарига иш ўрни ташкил қилиш учун ҳаракат қилганмиз, — дейди Аббосбек Ҳайдаров.

Халқимизнинг "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши", деган нақлига амал қилиб, ёшлар етакчисининг ташаббуси тўғрисида бунёд этилган иссиқхоналар марказига бордик.

— Бу ерда жами 44 иссиқхона бўлиб, қарийб 100 га яқин оиланинг даромад манбаига айланган. Шу иссиқхоналар сабаб ёшларимизга, умуман, халқимизга


шароит яратиб берсак, умур кўп ишларга қодир эканлигига амин бўлдим. Мана, шулардан бири Гуллола Турғунова. У турмуш ўртоғи билан ҳамжихатликда иссиқхонадан яшигина даромад топишдан ташқари, бир неча маҳалладошларимизни мавсумий иш билан таъминлапти, — дея изоҳ беради ёшлар етакчиси.

— Ҳовлимизнинг ороқ жойида иссиқхона бор эди. Бу соҳада тажрибамиз бўлса ҳам, молиявий аҳолимиз сабаб иссиқхонамизни кенгайтирилмаётгандик, — дейди Гуллола Турғунова. — Маҳалламиз ёшлар етакчисининг ёрдами билан 10 сотих ер олди. Давлатдан субсидия олиб, 4 сотихли иссиқхона қурдик. Ушбу иссиқхонадан бир йилда уч мартагача ҳосил олиш мумкин. Биринчи ҳосил учун бодринг эдик. Даромадимиз яхши бўлди. Бодрингдан кейин саримсоқ эмоқчимиз. Саримсоқ совуққа чидамди. Кейинги йилдан иссиқхонамизни янада кенгайтириб, бошқа ёшларни ҳам иш билан таъминлаш ниятимиз бор...

Дарҳақиқат, аҳолисининг кўпчилиги қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда келажакимиз ворислари бўлган йигит-қизларни Ватан тақдирига дахлдор, юксак маънавиятли, ҳар томонлама етуқ, комил шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари фаолият кўрсатиши йигит-қизларни ҳаётда ўз ўринларини топишга мустаҳкам замин яратмоқда. Ушбу эътибор ва ғамхўрликлар, ўз навбатида, ёшларни ҳаракатга, янги-янги марраларни забт этиб, юксак натижаларга эришишга ундамоқда. Бунинг ёшларимизнинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқ, муваффақият ва ғалабаларидан ҳам билса бўлади.

Мухтасар айтганда, маҳалларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг бош ғояси бўлган "Инсон қадрини унутмай" тамойили асосида ҳар бир ёшга муносиб турмуш шароитини яратишда, том маънода эса мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда ўзига хос роль ўйнамоқда.





Адабий дўстлик - адабий дўстлик

Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар кенгашига аъзо бўлгандан кейин қардош мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари янги поғонага кўтарилди, янги мазмун ва моҳият билан бойиди. Қардош ўлка сиёсатчилари, зиёлилари, матбуот вакиллари Ўзбекистоннинг бу ташкилотдаги ўрни ва нуфузи жуда баланд эканини алоҳида урғуламқда. Айниқса, Ўзбекистон томонидан ўртага ташланган таклифлар, ташаббуслар яқдиллик билан қабул қилинмоқда ва кўплаб эътирофларга сазовор бўлмоқда.

ТАҚДИМОТ



“Саҳиҳи Бухорий”нинг ўзбек тилидаги шарҳи нашрланган чўқди

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Марказий Осиё Уйғонishi даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра, ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган”, деган эди.



Муҳаддислар султони, буюк ватандошимиз Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Саҳиҳи Бухорий” номи билан шухрат қозонган “ал-Жомеъ ас-сахих” (“Ишончли тўплам”) китоби мусулмонларнинг кўпчилиги, аҳли сунна вал-жамоа уламоларининг иттифоқи билан Қуръондан кейинги энг саҳиҳ китоб сифатида эътироф этилган. Мамлакатимизда ушбу асар ўзбек тилига бир неча бор таржима қилинган. Бироқ уларда ҳадисларнинг шарҳ ва изоҳлари йўқ ҳисоби, фақат айрим ўринлардагина жуда ҳам ва қисқа изоҳлар мавжуд. Шу маънода, “Саҳиҳи Бухорий” матнларининг қуруқ таржималарини тушуна олмаган омма, хусусан, ёш авлод ўртасида ҳар хил баҳс-мунозара ва тортишувлар юзга келаётгани табиий.

Муҳаддислар султони, буюк ватандошимиз Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг “САҲИҲИ БУХОРИЙ” номи билан шухрат қозонган “АЛ-ЖОМЕЪ АС-САХИХ” (“ИШОНЧЛИ ТЎПЛАМ”) КИТОБИ МУСУЛМОНЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ, АҲЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОА УЛАМОЛАРИНИНГ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҚУРЪОНДАН КЕЙИНГИ ЭНГ САҲИҲ КИТОБ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН.

мусулмон уммати ва ёшларни соф исломий ақида, покиза маъна ва тоза одоб-ахлоқли бўлишга тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида асарнинг кўп жилдлиги шариҳ яратилди. Асарни тўлиқ ва муфассал изоҳлашга алоҳида эътибор берилиб, айрим ҳадислар шарҳи ҳатто юз саҳифагача етди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Саҳиҳи Бухорий” асарининг ўзбек тилидаги шарҳи тақдими бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар Имом Бухорий меросини ўрганиш зарурати, аллома асарларининг бугунги кундаги илмий аҳамияти, уларни тадқиқ этишни ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги вазифалар ҳақида ба-тафсил тўхталдиллар.

— Бугунги тақдимотнинг амалий-илмий аҳамияти жуда ҳам юксак, — деди Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов. — Китоб халқимизга муборак, ёшларимизга ибрат бўлсин! Бугун биз Имом Бухорийдек азиз аждодларимиз асарларини изоҳлаб, бутун дунёга танитишга ҳақлимиз. Буюк аждодимизнинг саҳиҳ китоби илк бора ўзбек тилида, мукаммал шаклда тақдим этилмоқда. Китобнинг шарҳи таҳсинга сазовор. Бу борада уламо, олим, мутахассис, тилшунос, диншунос алломаларга машаққатли меҳнатлари учун челиш сукути миннатдорлик билдирамиз.

“Саҳиҳи Бухорий”да айрим сўз ва ибораларнинг араб тилидаги грамматик қоидалари таҳлил ҳам берилган, бу мадраса толибларига қоидаларни тўлиқ тушуниб олиш ва эски шарҳларни ўқиб, англашда кўл келади. Ўйлаймики, китоб нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё халқлари учун қимматбаҳо маънавий мерос сифатида кадр топади.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

БУЮК ТАРИХНИНГ БАДИИЙ САҲИФАЛАРИ



Жаббор ЭШОНҚУЛОВ, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор

асрларни бўйлайдиган улкан маърифий лойиҳадир.

Мажмуанинг илк жилдидан Маҳмуд Кошгарийнинг “Девону луғотит-турк”и жой олган. Бу танлов бежиз эмас. Маҳмуд Кошгарий барча туркий халқлар учун бирдек ноҳир, бирдек тушунарли, бирдек эъзозлидир. Бу асар туркий тилнинг қадимийлиги, ранг-баранглиги, гўзаллиги ва нафосатини кўрсатиб турибди. “Девону луғотит-турк” тилшунос, фольклоршунос, тарихчи ва файласуфлар, оддий китобхонлар учун ҳам бирдек қимматли манбадир.

“Девону луғотит-турк” Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носируддин Рабзуий асарлари каби умумтуркий мерос намунаси сифатида тақдим этилган.

Ўзбек адабиёти бўлими Алишер Навоий асарлари билан бошланган. Алишер Навоий асарлари бадиий, фалсафий, илмий жиҳатдан мукаммал асарларгина эмас, балки ҳамма вақт тафаккуримизга, онгимизга, шууримизга куч ва қувват берадиган, инсонларни, элларни, элатларни, халқларни бир-бирига бирлаштирадиган макон, бугуннинг, келажакнинг шоири, файласуфи, тарихчиси, тилшуноси, том маънодаги зиёлисидир.

Алишер Навоийнинг одам ва олам ҳақидаги, инсон қалби ва руҳияти ҳақидаги фикрлари ҳамма даврлар учун долзарб аҳамият касб этаверади.

Навоийдан бошланган бўлим Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Суфи Оллоёр, Машираб билан давом этади ва Рауф Парфиғача бўлган даврдаги кўплаб ижодкорлар асарларини қамраб олган.

Қорақалпоқ адабиёти Бердак, Кунҳўжа, Аҳиниёз, Ибройим Юсулов, Тўлөпберген Қаипбергенов, турк адабиёти Жалопиддин

Мулло Исҳоқнинг нияти Ҳажга бориш бўлган. Шунинг учун у Ҳаж ниятида Вамберига шериклик қилишга розилик билдиради. Истанбулга етиб келганларида Мулло Исҳоқ Ҳаж сафарига кетиш учун Арминий Вамберидан ажралишни, сафарини ўзи давом эттиришни истаган. Бироқ Вамбери яхшигина саводли, араб ва форс тилидан хабари бўлган, кўлэмаларни ўқий оладиган, энг муҳими, жонли луғат вазифасини бажариб келаётган шеригидан ажралишни истамайди ва уни Венгриягача боришга кўндиради.

Венгрияга келган Мулло Исҳоқ Вамбери уйига жойлашади. У Вамберининг Лондонга сафари давомида, бир йилга яқин вақт ичида венгер, инглиз, француз, олмон тилларини ўрганиб, бутунлай оврупалик одамга айлангани сафардан қайтган Вамберини ҳайратта солади.

Мулло Исҳоқ Венгрия Фанлар академияси кутубхонасида ёрдамчи бўлиб ишлаш бошлади. Кутубхонада ишлаши давомида венгер адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилгани ҳақида маълумотлар бор. У венгер адаби Аарон Яношнинг “Ажойиб суйғунинг ҳикояти” асарини ўзбек тилига таржима қилади. Бу таржима ўз даврида, 1865 йилда “Косору” журналида чоп этилади.

Достон воқеасига кўра, Энанинг икки ўғли Хунор ва Мажор овга чиқади. Уларнинг ҳар бири ёнида эликитдан сарбози бор эди. Овда кўлаб қийик ва бошқа ҳайвонларни ов қилишади, бироқ бир суйғунни қўлдан чиқарадилар. Иккаласи суйғуннинг изидан қувиб, куннинг кеч бўлганини, манзилдан узоқлашиб кетганини, кун ботадиган ерга етиб келганларини сезмай ҳам қолади. Ортларидан сарбозлари ҳам етиб келиб, улар яна суйғунни қувийида давом этади ва Мейот денгизигача боришади. Суйғунни тутта олмагач, Мажор



Румий, Юнус Эмро, озарбайжон адабиёти Низомий Ганжавий, Фузулий, қозоқ адабиёти Абай, Жамбул, қирғиз адабиёти Чингиз Айтматов, туркман адабиёти Озодий, Махтумқули ижод намуналари билан бошланган.

Юз жилдликдан 700 га яқин ижодкорнинг асарлари ўрин олган. Катта бир давр, географик жиҳатдан катта бир ҳудуд қамраб олинган.

Мажмуадаги “Ўзбек замонавий шеърляти”, “Ўзбек замонавий насри”, “Қорақалпоқ замонавий шеърляти”, “Қорақалпоқ замонавий насри”, “Турк замонавий шеърляти”, “Турк замонавий насри антологияси”, “Озарбайжон замонавий шеърляти”, “Озарбайжон замонавий ҳикоялари”, “Қозоқ замонавий шеърляти”, “Қозоқ замонавий насри”, “Қирғиз замонавий шеърляти”, “Қирғиз замонавий насри”, “Туркман замонавий адабиёти антологияси” каби китоблар ўтмиш меросини бугунги адабий жараён билан боғлашга хизмат қилган.

Мажмуанинг юзинчи жилдидан венгер адабиётидан қилинган таржима жой олгани ҳам жуда чуқур рамзий маънога эга. Венгер адаби Аарон Яношнинг “Ажойиб суйғунинг ҳикояти” асарини венгер тилидан Мулло Исҳоқ таржима қилган.

Венгриялик машҳур сайёҳ Арминий Вамберининг Урта Осиёга, хусусан, Қарши, Бухоро, Самарқанд, Техронга саёхати давомида унга хоразмлик ўзбек мударрисларидан бўлган Мулло Исҳоқ ҳамроҳлик қилган.

уйга қайтишни, Хунор эса шу ерларни ватан қилишни маслаҳат беради. Улар йўл юриб, икки юрса ҳам мўл юриб, бир юз иккита пари қизга дуч келади. Бироқ уларнинг орасида Дул подшоҳнинг қизлари алоҳида ажралиб туради. Юз икки йигит юз икки парига уйланади. Шу ерда униб, ўсиб кўпайишади. Хунорнинг авлодлари хун, Мажорнинг авлодлари мажор бўлиб воёга этади. Шундай қилиб, улар ўзларидан униб, кўпайиб, катта бир халққа асос солади.

Достон воқеалари бизга жуда ҳам таниш. “Алпомиш” ва “Гурўгли” туркум достонларида қаҳрамоннинг овга чиқиби, овда қийик ёки сайёққа дуч келиши кўп учрайди. “Алпомиш” достонининг айрим вариантларида Бойбўри билан Бойсарди овда қийикни учратиб қолиб, уни отмайди, шундан кейингина улар фарзандли бўлади. “Гурўгли” туркум достонларида ҳам қаҳрамон овга чиқиб, овга дуч келиши ва кейин парини учратиб унга уйланиши воқеалари келади.

Аарон Яношнинг бу асари фольклор аънавалари таъсирида юзга келганидан далолат беради. Достон воқеаси, қолаверса, асардаги “Учади кушлар, чиқади сўзлар, Гўзал Энанинг икки ўғлидан” каби мисраларнинг доимий равишда такрорланиб келиши халқ достонларига хос хусусиятдир. Озгача ижод намунаси бўлган достонларда доимий такрорланиб келувчи мисралар мавжуд ва улар ҳар галги ижрода янгича мазмун билан такрорланиб келади. Бу озгача ижода хос хусусият. Қолаверса, Аарон Яношнинг

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164.
81039 нусхада босилди.
Ўфсет усулларида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоеси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
Мусахҳач: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри, 32-уй
Матбуотчилар кўчаси, 39-уй